Уй-жойни ижарага бериш шартномаси
(намунавий шакл)

_____ _____
(тузилган сана) (тузилган жой)

Биз, _____ вилояти (Республикаси), _____ тумани (шаҳар), _____ МФЙ, _____ кўчаси (мавзеси, даҳаси) ___ - уй ___ - хонадонда доимий пропискада турувчи, _____ йилда туғилган _____ _____ _____ (паспорт серияси __ , рақами _____, _____ йилда _____ туман (шаҳар) ИИБдан берилган) (бундан буён матнда Ижарага берувчи деб юритилади) бир томондан ва _____ вилояти (Республикаси), _____ тумани (шаҳар), _____ МФЙ, _____ кўчаси (мавзеси, даҳаси) ___ - уй ___ - хонадонда доимий пропискада турувчи, _____ йилда туғилган _____ _____ _____ (паспорт серияси __ , рақами _____, _____ йилда _____ туман (шаҳар) ИИБдан берилган) (бундан буён матнда Ижарага олувчи деб юритилади) иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Шартноманинг предмети

1. Мен, Ижарага берувчи мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган _____ вилояти (Республикаси), _____ тумани (шаҳар), _____ МФЙ, _____ кўчаси (мавзеси, даҳаси) ___ - уй ___ - хонада жойлашган уй-жойни Ижарага олувчига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ эвазига бердим, мен Ижарага олувчи ушбу уй-жойни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун қабул қилдим.

2. Ижарага берилаётган уй-жой қуйидагилардан иборат:

умумий фойдаланиш майдони ____ (майдони сўзлар билан) m-2 , яшаш (фойдаланиш) майдони ____ (майдони сўзлар билан) m-2 бўлган (____та яшаш хонаси, даҳлиз, ошхона, санузел ва ҳоказо)ни ташкил этади.

3. Юқорида кўрсатилган уй-жой Ижарага берувчига _____ туман (шаҳар) ___ - сон давлат нотариал идораси томонидан (_____реестр рақами ва санаси) реестр рақами билан қайд қилинган уй-жойни (олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш шартномаси, қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага ва ҳоказо) асосан тегишли бўлиб, уй-жойни рўйхатга олинганлиги ҳақида _____реестр рақами рўйхатга олинган.

4. Ижарага берувчи юқорида кўрсатилган уй-жойни Ижарага олувчига _____ (йил, ой, кун) муддатга, яъни _____ (йил, ой, кун)гача топширади.

2. Ижара ҳақи

5. Ижарага берилган уй-жойидан фойдаланиш учун ижара ҳақи тарафлар келишувига асосан ҳар (йил, ой, кун)га _____ сўмдан, умумий ижара ҳақи _____ сўмни ташкил қилади. Ижарага олувчи ўтган (ёки жорий) ой учун тўловни ҳар ойнинг ___ кунига қадар Ижарага берувчига тўлаши шарт.

6. Ижарага олувчи берилган уй-жойдан фойдаланиш учун ижара ҳақи тўлов муддатини кетма-кет икки мартадан ортиқ бузса Ижарага берувчи шартномани бир томонлама бекор қилишга ва ижарага берилган уй-жойни бўшатиб беришни Ижарага олувчидан талаб қилишга ҳақли.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Мен, Ижарага олувчи ижарага олинган уй-жойни вазифасига мувофиқ равишда фойдаланишни, ўз ҳолатида сақланишини таъминлашни, уни яхши ҳолда тутишни ҳамда санитария ва ёнғиндан сақлаш қоидаларига тўлиқ риоя этишни, ижара ҳақини ўз вақтида тўлаб туришни ўз зиммамга оламан.

8. Мен, Ижарага олувчи (ёки Ижарага берувчи) совуқ ва иссиқ сувдан, электр энергия ва газдан, телефон алоқаси ҳамда маиший чиқиндилардан фойдаланганлик учун,

шунингдек уй-жой билан боғлиқ бўлган барча тўловларни ўз вақтида тегишли ташкилотларига қонун ҳужжатларида белгиланган тарифларда ва муддатда тўлашни ўз зиммамга оламан.

9. Мен, Ижарага берувчи мулк ҳуқуқи асосида тегишли мулкни ижарага берганлигим ва бунинг натижасида даромад олаётганим учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тегишли давлат солиқ хизмати органига тўлаб боришни ўз зиммамга оламан.

4. Томонларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиш

10. Ушбу шартнома талабларини лозим даражада бажармаган ёки бажаришдан бош тортган тараф қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

11. Уй-жойни ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёки унга ўзгартиришлар киритиш тарафларнинг келишувига асосан амалга оширилади, низо келиб чиққан тақдирда суд тартибида ҳал қилинади. Шартномани бекор қилиш ҳақида тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантиради.

Уй-жойни ижарага олувчи ўзи билан бирга доимий яшайдиган бошқа фуқароларнинг розилиги билан ижарага берувчини уч ой аввал ёзма равишда огоҳлантириб, исталган вақтда ижара шартномасини бекор қилишга ҳақли.

5. Якуний қоидалар

12. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 80, 176, 191 ва 192-моддалари мазмун ва моҳияти биз тарафларга тушунарли.

13. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 606-моддаси ва тарафларнинг келишувига асосан ижарага берилган уй-жойда Ижарага олувчи билан бирга унинг оила аъзолари (биргаликда яшовчи оила аъзоларининг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси кўрсатилади) яшайди.

14. Мен, Ижарага берувчи мазкур шартнома имзолангунга қадар ижарага берилаётган уй-жой бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган, низода йўқ ва ижарага берилиши тақиқланмаганлигини кафолатлайман.

15. Мазкур шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб имзоланди, улардан бир нусхаси давлат солиқ хизмати органида сақланади, қолган нусхалар тарафларга берилди.

Томонларнинг яшаш манзиллари:

Ижарага берувчи:	Ижарага олувчи:
_____	_____
_____	_____
_____	_____

Томонларнинг имзолари:

Ижарага берувчи (Ф.И.О.)	Ижарага олувчи (Ф.И.О.)
_____	_____
Имзо_____	Имзо_____

Изоҳ: *Шартнома шартларига тарафларнинг келишувига асосан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*